




ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



THE ROLE OF ARMENIAN ARTISTS IN THE DEVELOPMENT OF UZBEK CULTURE (IN THE CASE OF TAMARAKHONIM)

Farkhod Adilov

professor

*Tashkent State University of Economics
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Armenian, Tamarakhonim, science, art, literature, creator, artist, stage, folk dances.

Received: 28.10.24

Accepted: 30.10.24

Published: 01.11.24

Abstract: The role of certain individuals in the development and progress of each field is incomparable. This article talks about the life of the People's Artist of Uzbekistan Tamarakhonim. His contributions to the fields of Uzbek theater, singing, and dancing are highlighted based on sources.

ЎЗБЕК МАДАНИЯТИНИНГ РИВОЖИДА АРМАН ИЖОДКОРЛАРИНИНГ ЎРНИ (ТАМАРАХОНИМ МИСОЛИДА)

Фарход Адилов

профессор

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: арман, Тамараҳоним, илм-фан, санъат, адабиёт, ижодкор, санъаткор, саҳна, ҳалқ рақслари.

Аннотация: Ҳар бир соҳанинг ривожланиши ва тараққиётида маълум бир шахсларниң ўрни бекиёсdir. Ушбу мақолада Ўзбекистон ҳалқ артисти Тамараҳонимнинг ҳаёт фаолияти ҳақида сўз юритилади. Унинг ўзбек театр, кўшикчилик, рақс соҳаларига қўшган хиссалари манбалар асосида ёритиб ўтилган.

РОЛЬ АРМЯНСКИХ ХУДОЖНИКОВ В РАЗВИТИИ УЗБЕКСКОЙ КУЛЬТУРЫ (НА ПРИМЕРЕ ТАМАРАХОНИМ)

Фарход Адилов

профессор

*Ташкентский государственный экономический университет
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	Армянин, Тамарахоним, наука, искусство, литература, творец, художник, сцена, народные танцы.	Аннотация:	Роль отдельных личностей в развитии и прогрессе каждой области несравнима. В данной статье рассказывается о жизни народной артистки Узбекистана Тамарахоним. На основе источников освещен его вклад в области узбекского театра, пения и танцев.
------------------------	--	-------------------	--

КИРИШ

Минг йиллар давомида бизнинг аждодларимиз яратган маданият сарчашмалари дунё халқлари учун дастурул амал бўлиб хизмат қилган. Қадимий маданият эгаси бўлмиш Ўрта Осиё халқлари илм-фани, санъати, адабиёти тараққиётида турли миллат ва элатларнинг кўшган хиссаси бекиёсдир. Тақдир такозаси билан бизнинг юртларга келган ва яшаган арман миллатига мансуб кўпгина санъат аҳиллари ҳам миллий маданиятимизни ўргангандан ҳамда айнан ушбу миллий маданиятни тараннум этганлигининг гувоҳи бўламиз. Халқимизга битмас-туганмас маънавий ҳазина қолдирган Увайсий, Анбар Отин, Дилшод Барно, Муқимий, Фурқат, Гулханий, Собир Абдулло, Чархий каби адабиёт намояндадари, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Тамарахоним, Ҳалимахоним, Мукаррамахоним, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Таваккал Қодиров каби ноёб истеъдод эгалари ҳам шу замин фарзандлари[1]. Мана шундай буюк санъаткорлардан бири Тамарахоним ҳақида эътироф этмасдан иложимиз йўқ.

АСОСИЙ ҚИСМ

Санъат ҳақида сўз кетганда машҳур санъаткор Тамарахоним ҳақида сўз ютирмасдан иложимиз йўқ. Шундай экан Тамарахоним (Петросян) аслида арман фарзанди. Бокулик ишчи Арём Петросовнинг қизи бўлган. А.Петросов асли Қорабоғлиқ бўлиб Бокудаги Ротшильд ҳамда Нобелларга карашли нефть тозалаш заводларида ишлаган. 1905 йил инқилоби подшо хукумати томонидан бостирилганидан сўнг қамоққа олиш ва сургуналар авж олиб кетган. Бу вақтда Артём қамалади ва Туркистон ўлкасига сургун қилинади. У Фарғона воҳасида истиқомат қиласи ва темир йўлда ишлайди. Айнан ўша йиллари Туркистонга сургун қилинган Артём хонадонида янги инсон Тамарахоним дунёга келади. Тамарахоним номи унинг тахаллуси бўлиб асл исми ва фамилияси Тамара Артёмовна Петросян бўлиб 1906 йил 16 (29) март куни Марғилонда туғилган ва 1991 йил 30 июнь куни Тошкентда вафот этган қўшиқчи ва раққоса, балетмейстер, ўзбек профессионал рақси асосчиларидан[2].

XX асрнинг бошларида Туркистонда ҳам санъатнинг турли жабҳалари янада тараққий этаётган давр эди. Ёш ва қобилиятли санъаткор Тамарахонимни дастлаб ҳаваскорлар саҳнасида машҳур халқ санъаткори Юсуфжон қизиқ Шакаржонов олиб чиқган. Бу 1919 йил

ёзида Марғилондаги Ўрта тагида ўтказилган сайил пайтида содир бўлади. 13 ёшар раққоса саҳнага чиқади. Шунингдек устоз санъаткорлардан Уста Олим Комилов ҳам унинг санъат майдонига кириб келишига жуда катта ҳисса қўшган. Тамараҳонимнинг дастлабки концерт репертуарини тузишда ва бойитишда Уста олимнинг хизмати катта бўлган. Маҳорати ва малакасининг ошишида атоқли санъаткор Ҳожисиддик Исломов ҳам катта ёрдам берган. Тамараҳоним дастлаб Ҳожисиддик билан ҳалқ рақсларидан бўлган “Чўпон” раксини дуэт билан ижро этган. 15 ёшида Тошкентдаги “Колизей” театри қошидаги хореография синфига ўқишига киради. Бу ерда мохир педагог Шаевич Карганова каби инсонлардан классик рақслардан таълим олди, ҳамда “Аида”, “Борис Годунов” спектаклларида рақс ижро этган. 1923–1924 йилларда Москва театр техникумida таҳсил олган. Дастваб 1921–22 йилларда Тошкент рус опера ва балет театрида, 1924 йилдан Мухиддин Қориёқубов раҳбарлигидаги концерт труппаси (1926 йилдан Ўзбек давлат концерт этнографик ансамбли, 1929 йилдан Ўзбек давлат мусиқали театр)да фаолият олиб борган. Яна бир санъаткорнинг дунёга танилиши ва ўзбек миллий маданиятини дунёга танитишдаги хиссаларидан бири 1925 йил Парижда бўлиб ўтган Жаҳон безак санъати кўргазмасида Мухиддин Қориёқубов билан биргаликда иштирок этиб, ўзбек санъатини илк бор Европада намойиш этган. Тамараҳоним ўзбек лапар ва ялла намуналарини саҳнавий ижро шароитига мослаштириб, янгича ифодавий воситалар (мимика, рақс, диалог ва бошқалар) билан бойитиб, улар негизида бир неча кичик мусикий инссенировкаларни яратади, миллий оммабоп (эстрада) санъат ривожига асос солади. 1942 йилда ўзбек ҳалқ хофизи Мухиддин қори Ёқубов билан бирга Москвадаги Луначарский номидаги техникумга ўқишига кирган. Бу ерда у атоқли рус педагоги Вера Мая қўлида ўқиган ва турли ҳалқлар рақс санъати бўйича дарс олган[3].

Кўп йиллик меҳнат ва санъат соҳасида салмоқли фаолият олиб борган арман миллатига мансуб артистларнинг фаолияти хукумат тамонидан тақдирланиб келинган. Жумладан, Петросянц Тамара Артемовна 29 ёшида Уста Олим Комилов, Тўхтасин Жалилов, Абдуқодир Исмоилов билан бирга Лондонда ўтказилган ҳалқаро фестивалдағолиб чиққан — бу унинг рақс бўйича олган биринчи медали эди. 1932 йили, эндиғина **26 ёшга тўлганда эса аёл санъаткорлар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон ҳалқ артисти унвонига сазовор бўлди**[4]. 1945 йилда ЎзССРда 15 йиллик фаолияти учун “За трудовое отличие”, 1947 йилда Польша хукуматидан “Варшавани қайта тиклаш учун – олтин медали”, 1950 йил Ўзекистоннинг 25 йиллиги “Мехнат қизил байроқ ордени” билан[5], билан тақдирланган.

ЎзССР Министрлар Совети Санъат ишлари бўйича бошқарма бошлиғи ўринбосари Донскийнинг маъruzасида Тамараҳоним ансамблиниң 1949 йилдаги фаолияти ҳақида сўз боради. 1949 йил бошида Тамараҳоним ансамбли Закавказия шаҳарлари бўйлаб катта

гастрол сафарида бўлади. ЎзССР Министрлар Совети хузуридаги Санъат бошқармасининг бошлиғи ўринбосари Донскаянинг 1949 йил 15 августдаги 334-сонли буйруғида. Сталин мукофоти лауреати Тамарахоним бадий раҳбарлигидаги Ўзбекистон Давлат филармонияси ашула ва рақс ансамблиниң 1949 йилнинг биринчи ярмида гастроль сафаридаги фаолияти ансамблиниң катта муваффақиятларидан далолат беради. 1949 йилнинг 7 ойида Тамарахоним ансамбли 115 та концерт бериб, режани 140 фоизга бажарганлиги эътироф этилади.

Ансамбль ижодий фаолияти билан бир қаторда гастроль сафарларида кўплаб ижтимоий ишларни амалга оширади, ҳомийлик концертлари уюштиради, бадий ҳаваскорлик тўгарагига ёрдам беради. Ансамблнинг қардош Закафказия, Болтиқбўйи ва Марказий Осиё республикаларида гастроллари юқори савияда ўтади. Концертлар тўлиб-тошган томоша залларида ўтади[6].

Манбаларда Stalin мукофоти лауреати, ҳалқ артисти Тамарахоним бошчилигидаги ашула ва рақс ансамблиниң 1949 йилнинг биринчи ярмидаги улкан самарали фаолиятини қайд этилади. Бадий раҳбар Тамарахоним ва бутун ансамблга Ўзбекистон давлат филармонияси директори Жумаев, Тамарахоним ансамблига республиканинг 25 йиллигига янги репертуар тайёрлашга ва ансамблнинг концерт дастурларини бадий безашда кўмаклашиш вазифасини юклаган[7]. Бу мисоллардан ҳам кўриниб турибдикусанъаткорнинг ижоди ва маслаҳатига ҳар дам ва ҳар вақт маданият ходимлари муҳтож бўлган.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкунки Тамарахоним ўз фаолияти давомида 500 дан ортиқ қўшиқ ва рақсларни 86 тилда яратган ҳамда томошибинларга тақдим этган. Миллий ўзбек мусиқаси, театри, қўшиқчилик санъатининг ривожланиши ва дунёга танилишида салмоқли хисса қўшган буюк санъаткордир. Хозирги кунга қадар барча санъаткорлар Тамарахоним ижоди фаолияти билан қизиқишиди, ўрганишиди ва янгидан-янги қирраларини кашф этишмоқда. Мустақиллик йилларида санъаткор вафотидан сўнг 2001 йилда "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пиравард мақсадимиз. 8 том, 188-бет. Тошкент «Ўзбекистон» 2000.
2. <http://muzaffar.uz/mashhurlar-hayotidan>
3. Устоз санъаткор // Ўзбекистон маданияти. 1976 йил, 9 апрель.
4. <https://www.gazeta.uz/uz/2023/04/02/tamarakhanum-museum>
5. Ўз МА. Р-2087, рўйхат – 1, йиғма жилд 46, 78-варак.
6. Ўз МА. Р-2087, рўйхат – 1, йиғма жилд 374, 91-варак.
7. Ўз МА. Р-2087, рўйхат – 1, йиғма жилд 375, 182-варак.